



МАМЛАКАТ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯНИНГ РОЛИ

Олтаев Ш.С. – СамИСИ доценти, и.ф.н.

Аннотация. Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банклари фаолиятининг трансформация жараёнлари ва уларнинг миллий банк тизими ривожига таъсири илмий жиҳатдан тадқиқ қилинган. Тадқиқот давомида банк секторида рақамли технологияларни жорий этишининг зарурияти, рақамли трансформациянинг мазмуни ва унинг банк хизматлари сифати ҳамда миқозларга йўналтирилганлик даражасига таъсири таҳлил қилинган. Шунингдек, пандемия шароитида банк хизматларининг рақамлашуви, мобил банк хизматларидан фойдаланиш тенденциялари ва рақамли банкларнинг шаклланиш жараёнлари ўрганилган. Мақолада халқаро таҳлилий маълумотлар асосида рақамли трансформация технологиялари бозорининг ўсиш динамикаси ёритилиб, Ўзбекистон банк тизимида амалга оширилаётган рақамлаштириш ислохотларининг иқтисодий самарадорлигига баҳо берилган.

Калит сўзлар: рақамли трансформация, тижорат банклари, рақамли банклар, банк тизими, мобил банкинг, рақамли технологиялар, банк хизматлари, рақобатбардошлик.

Кириш. Жаҳон иқтисодиётида рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши барча соҳалар қатори банк секторининг ҳам фаолиятига тубдан таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, тижорат банклари учун рақамли трансформация рақобатбардошликни сақлаб қолиш, миқозлар талабларига мослашиш ва молиявий барқарорликни таъминлашнинг асосий шартларидан бирига айланмоқда. Замонавий иқтисодий муносабатлар шароитида банклар фақат анъанавий молиявий воситачилик функциялари билан чекланиб қолмасдан, рақамли платформалар орқали кенг қамровли хизматлар кўрсатувчи



экотизимлар сифатида ривожланмоқда.

Банк тизими мамлакат иқтисодиётининг барқарор фаолият юритишида муҳим ўрин тутиб, унинг самарадорлиги иқтисодий ўсиш суръатлари, инвестицион муҳит ва аҳолининг молиявий фаровонлигига бевосита таъсир кўрсатади. Шу сабабли тижорат банклари фаолиятида юз бераётган трансформация жараёнларини илмий жиҳатдан ўрганиш, айниқса рақамли технологияларни жорий этиш билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда рақамли технологияларнинг банк соҳасига кенг жорий этилиши банк хизматларини масофавий кўрсатиш, операцияларни автоматлаштириш ва мижозлар билан ўзаро муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш имконини бермоқда. Хусусан, пандемия шароитида мобил банкинг ва онлайн банк хизматларига бўлган талабнинг кескин ошиши рақамли трансформациянинг стратегик аҳамиятини янада кучайтирди. Бу эса банклардан фаолият моделларини қайта кўриб чиқиш, инновацион ёндашувларни жорий этиш ва рақамли ечимлар асосида хизматлар сифатини оширишни талаб этмоқда.

Мазкур мақолада тижорат банклари фаолиятида рақамли трансформация жараёнларининг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилиниб, миллий банк тизимида рақамлаштиришнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари ёритилади. Тадқиқот натижалари банк секторида стратегик қарорлар қабул қилиш ва рақамли ислоҳотларни самарали амалга ошириш учун илмий-амалий аҳамиятга эга.

Мазкур тадқиқотда тижорат банклари фаолиятида рақамли трансформация жараёнларини ўрганишда комплекс илмий ёндашув қўлланилди. Тадқиқот методологияси иқтисодий назария, молиявий таҳлил ва рақамли иқтисодиёт концепцияларига асосланиб, сифат ва миқдорий таҳлил усулларининг уйғунлигида амалга оширилди.

Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция,



таққослаш, гуруҳлаштириш ҳамда тизимли ёндашув усулларидадан фойдаланилди. Шунингдек, тижорат банкларида рақамли технологияларни жорий этиш тенденцияларини баҳолашда статистик маълумотларни таҳлил қилиш, динамик қиёсий таҳлил ва эксперт баҳолаш усуллари қўлланилди. Халқаро таҳлилий компаниялар маълумотлари, очиқ манбалар ва расмий статистик ахборотлар тадқиқотнинг ахборот базасини ташкил этди.

Бундан ташқари, пандемия даврида банк хизматларининг рақамлашуви билан боғлиқ жараёнларни ўрганишда эмпирик таҳлил усулларидадан фойдаланилиб, мобил банкинг хизматларидан фойдаланиш динамикаси ва миждозлар фаоллиги кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Қўлланилган методологик ёндашувлар тадқиқот натижаларининг ишончилиги ва илмий асосланганлигини таъминлашга хизмат қилди.

Тижорат банклари турли хил давлат тузилмалари ва турли хил тизимларда фаолият юритиб келмоқда. Ҳар қандай жамиятда иқтисодий тараққиётнинг муҳим ва ажралмас қисми сифатида тижорат банклари турли хил таҳликали ҳамда тараққиёт йўлини босиб ўтиб ривожланиб келмоқда. Бундай жараёнлар банклар фаолиятини турли даврларда трансформациялашуви ва рақобатбардош бўлишини тақозо қилади.

Рақобатбардош банк тизими, авваламбор, иқтисодиётнинг молиявий барқарорлигини намоён этса, иккинчи томондан, иқтисодиётнинг барча соҳаларида бошқарув самарадорлиги ҳолатини кўрсатиб беради. Барқарор банк тизимига эга бўлмаган мамлакат иқтисодиёти ривожланишини сезиларли даражада секинлаштириш билан бирга ҳар қандай мамлакат учун жиддий инқироз ҳолатларига олиб келади. Чунки банк тизими мамлакатда муҳим иқтисодий ва ижтимоий функцияларни бажаради.

Банклар фаолиятининг трансформацияси банк тизими ривожланишининг барча босқичларида юз берган. Бироқ, сўнгги йиллардаги рақамли технологияларнинг жадал суръатларда ривожланиши банк бизнесидаги ўзгаришларни янада радикаллашувига олиб келмоқда.



Мамлакатимиз банк тизими ривожланишини кейинги сифат босқичига ўтмоқда. Бу албатта банк тизимининг миллий иқтисодиётнинг технологик талабларига мос равишда ўзгаришига замин яратмоқда.

Мамлакатимиз Президенти 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга мурожаатномаларида ушбу масалага алоҳида тўхталиб “2021 йилда стратегик аҳамиятга эга бўлган 32 та йирик корхона ва тармоқни трансформация қилиш ишлари амалга оширилади. Банклар фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш эътиборимиз марказида бўлади. 2021 йилда “Саноатқурилишбанк”, “Асака банк”, “Ипотекабанк”, “Алоқабанк”, “Туронбанк” ҳамда “Қишлоққурилишбанк”ни хусусийлаштиришга тайёрлаймиз. Камида битта йирик банкдаги давлат улуши стратегик инвесторларга тўлиқ сотилади” дея таъкидлаб ўтдилар.

Амалга оширилаётган ишлар натижасида 2022 йилда мамлакатимизнинг йирик банкларидан бўлган АТИБ “Ипотека банк”ида мавжуд давлат улуши Венгриянинг ОТР банкига сотиш бўйича келишувга эришилди. Келишувга кўра, биринчи босқичда банкнинг 75 фоиз давлат улуши сотилади, қолган 25 фоизи 3 йил давомида Молия вазирлиги қўлида қолади ва якунида қолган 25 фоиз ҳам ОТР банкка ўтади. Мамлакатимиз банк тизимининг негизини ташкил қилувчи тижорат банкларининг устав капиталидаги давлат улушини хорижий инвесторларга сотилиши натижасида, биринчидан, мамлакатимиз банк тизимида хорижий капиталнинг кириб келиши жадаллашади, иккинчидан илғор хориж тажрибаларидан мамлакатимиз банк амалиётида фойдаланиш банклар фаолиятини трансформацияси самарадорлигини ортишига олиб келади.

Рақамли трансформация инсонларнинг кундалик ҳаётининг муҳим ва ажралмас қисмига айланган соҳаларни тобора кўпроқ қамраб олмоқда. Бунинг натижасида хизматлар кўрсатиш ва маҳсулотлар сотиш учун тобора юқори стандартлар ўрнатилмоқда. Банк сектори ҳам бундан мустасно эмас. Чунки сўнгги йилларда бутун дунё банк тизимида рақамли технологияларни жорий



этиш, банкдан ташқари хизматлар ва экотизимларни ривожлантириш билан боғлиқ бир қатор муҳим ўзгаришларни бошдан кечирмоқда.

"Рақамли трансформация" ва "рақамлаштириш" тушунчаси фан ва технологиялар соҳасида рақам 15-20 йилликда кенг қўлланила бошлади. Унинг умумий қабул қилинган таърифи илмий адабиётларда ҳам, статистик ўлчовлар бўйича халқаро меъёрларда ҳам, давлат ҳужжатларида ҳам ҳали тўлиқ ишлаб чиқилган эмас.

Форбес журнали ёзганидек "...янги технологиялар янада шахсийлаштирилган ва мобил бўлишга интилаётган банкларнинг ўз ролини ўзгартиришга олиб келади". Форбес хулосасига кўра, компаниялар энди бутун ташкилот маданиятини ўзгартириши ва тегишли хавфсизлик назорати ҳамда энг янги технологиялардан фойдаланишнинг юзага келиши мумкин бўлган хавфи ўртасида мувозанатни яратадиган ишончли муҳитни шакллантириш ҳақида ўйлашлари керак.

Т.Ю.Поповнинг фикрича "Банк соҳасида рақамли инновацияларни жорий этиш ва синовдан ўтказиш мураккаб ҳамда кўп босқичли жараён бўлиб, банкдан кўп миқдордаги харажатни талаб қилади". Шу муносабат билан рақамли инновацияларни жорий этиш биринчи навбатда йирик тижорат банклари томонидан ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шаклида амалга оширилмоқда.

Банк соҳаси ҳам бошқа соҳаларда бўлгани каби пандемия шароитида "аввал" ва "кейинги" даврларга бўлинди, бироқ бошқа соҳалар учун "корона инқироз" "қора оққуш"га айланган бўлса, аксинча банк сектори инновацион технологияларни ривожлантириш ва рақамли технологияларни қўллаш соҳасида сезиларли ютуқларга эришди. Умуман олганда, соҳада янги маҳсулот ва хизматларнинг пайдо бўлиши ёки ишлаш тамойили бўйича кескин ўзгаришлар руй бермаган бўлсада, айрим тенденциялар пандемия даврида биринчи марта банк соҳасида пайдо бўлди ва улар жадал суръатларда ривожланишда давом этмоқда.



Биргина, 2020 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда Mobil banking иловасини биринчи марта ўрнатган фойдаланувчилар сони қарийб 20 фоизга, Mobil banking хизматларидан фойдаланувчиларнинг умумий сони эса қарийб 30 фоизга ўсди. Mobil banking иловасидан фаол фойдаланувчилар сони ҳам ошиб иловадан банк билан асосий алоқа канали сифатида фойдаланадиганлар сони тахминан 50% га етди.

Шунингдек, пандемия аҳолининг молиявий саводхонлигини ҳам сезиларли даражада ошишида ижобий таъсир кўрсатди. Аҳолининг турли банк иловалари орқали депозит ва кредитларнинг фоизлари, уларнинг шартлари ва бошқа маълумотларни online тарзда олиш имконини ошишига олиб келди. Натижада, рақамли технологиялар мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг муҳим бир ажралмас қисми сифатида намоён бўлмоқда.

Reportlinker аналитик компанияси маълумотларига кўра, рақамли трансформация технологиялари глобал бозори 2021-йилда 944,9 миллиард долларга баҳоланган бўлса, 2022-йилда 24,7 фоизга ўсиб 1,18 триллион долларни ташкил қилган. 2026-йилга бориб ушбу бозор ҳажми сезиларли даражада ошиб, 2,6 триллион долларга етади.

Банклар фаолиятини рақамлашув жараёнларининг ривожланиб бориши, мижозларнинг банк хизматларидан ортиқча бюрократиясиз ва вақт сарфламасдан фойдаланишларига имконият яратади. Шунингдек, мижозлар рақамли технологиялар орқали ўз маблағларидан 24/7/365 режимида фойдалана олади, бу ўз навбатида хизматлар узлуксизлиги ва сифатини оширишни таъминлаш имконини беради.

Мамлакатимизда ҳам сўнгги 3 йилда банклар фаолиятини рақамлаштириш соҳасида катта ишлар амлга оширилмоқда. Ҳозирги кунга келиб, мамлакатимизда мавжуд 34 та тижорат банкининг 5 таси рақамли банклар ҳисобланади. Биргина 2023 йилнинг ўзида 2 та рақамли тижорат банки “APEX BANK” акциядорлик жамияти ва “НАҲОТ BANK” акциядорлик жамиятига лицензия берилди. Банк секторида рақамли технологиялардан



фойдаланиш даражасининг ортиб бориши мамлакатимизда банк хизматларини масофадан кўрсатиш борасида рақобат муҳитини янада яхшиланишига, тижорат банклари харажатларини оптималлаштириш орқали уларнинг даромадларини ошишига, банк мижозлари учун банк хизматлари бозорида танлов имкониятини кўпайишига замин яратади.

Хулоса. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, рақамли трансформация тижорат банклари фаолиятида объектив ва қайтариб бўлмас жараён сифатида шаклланмоқда. Рақамли технологияларни жорий этиш банк хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш, операцион харажатларни оптималлаштириш ҳамда мижозларга йўналтирилганлик даражасини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, мобил банкинг ва масофавий хизматлар банклар учун асосий рақобат устунликларидан бирига айланмоқда.

Шу билан бирга, рақамли трансформация банк тизимининг барқарорлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этиб, миллий иқтисодиётнинг умумий рақобатбардошлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Пандемия шароитида банк секторининг рақамли ечимларга тез мослашуви ушбу соҳада инновацион салоҳиятнинг юқори эканлигини намоён этди. Бироқ рақамлашув жараёнлари билан бир қаторда ахборот хавфсизлиги, киберхавфлар ва технологик рискларни бошқариш масалалари ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Таклифлар. Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, тижорат банклари фаолиятида рақамли трансформация жараёнларини янада самарали амалга ошириш мақсадида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

Биринчидан, тижорат банкларида рақамли трансформация бўйича ягона стратегик ёндашувни шакллантириш ва уни банкнинг умумий ривожланиш стратегияси билан уйғунлаштириш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, банк хизматларини рақамлаштириш жараёнида мижозлар эҳтиёжларига йўналтирилган инновацион маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.



Учинчидан, рақамли технологияларни жорий этиш билан бир қаторда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича замонавий тизимларни ривожлантириш, банк ходимларининг рақамли компетенцияларини ошириш муҳим ҳисобланади.

Тўртинчидан, рақамли банклар ва анъанавий тижорат банклари ўртасида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш орқали банк хизматлари бозорида сифат ва самарадорликни оширишга эришиш мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Shavkat Oltaev. A strong family is as basic of the prosperity of the neighborhood. American Journal of Research. 2021 USA, Michigan 30. 30-33 pp. <https://zenodo.org/record/5513761>
2. Shavkat Oltaev. The role of the state in the innovative development of Tourism. The American journal of management and economics innovations. (TAJMEI). 2021. USA. <https://doi.org/10.37547/tajmei/Volume03Issue10-05> 17-20 pp.
3. Shavkat Oltaev. Innovative Education Is An Important Factor To Increase The Efficiency Of Economic Education. The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research. <https://doi.org/10.37547/tajir/Volume03Issue11-02> 2021. 9-13 pp.
4. Shavkat Oltaev. Innovative Education is an Important Factor in Increasing the Efficiency of Economic Education. Journal of Marketing and Emerging Economics. 54-57 pp. <https://openaccessjournals.eu/index.php/jmee/article/view/940>
5. Shavkat Oltaev. Creation of new jobs in our country – an important factor in providing employment. Modern views and research – 2021. International scientific and practical Conference. London, UK. <https://doi.org/10.5281/zenodo.5570503> 2021. P: 41-43
6. Shavkat Oltaev. Improving Ways of Attracting Foreign Investments to the National Economy and Using Them. International Journal Miasto Przyszłości, 92–95 pp. 2022. <https://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/503>